


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 28 октябрь, № 208 (6391) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# «ЎЗПАХТАСАНОАТЭКСПОРТ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Пахта хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш, пахта толасини жаҳон бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда экспорт қилиш бўйича ягона комплексни яратиш, пахта ва ёғ-мой маҳсулотларининг сифатини ҳамда рақобатдошлигини ошириш, шунингдек, республиканинг пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни, жумладан, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси муассисларининг пахта толасини қабул қилиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин, холдинг компанияси таркибига акциядорлик жамияти шаклидаги қуйидаги бирлашмалар киради:

пахта хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлашни ташкил қилиш бўйича — тугатилаётган "Ўзпахтасаноат" уюшмаси негизида ташкил этилаётган "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти ва унинг ҳудудий филиаллари, ушбу акциядорлик жамиятига "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаларининг устав фондларидаги акцияларнинг давлат пакетларини топшириш ҳисобига унинг устав фонди шакллантирилади;

пахта толасини сақлаш ва экспорт қилишни таъминлаш бўйича — "Ўзпахтаэкспорт" акциядорлик жамияти, унинг устав фонди Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги ташқи савдо компанияларининг пахта терминаллари устав фондларидаги улушларини баҳолаш қиймати бўйича топшириш ҳисобига шакллантирилади;

пахта ёғи ишлаб чиқариш бўйича — "Ўзпахтаёғ" акциядорлик жамияти, унинг устав фонди пахта ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарни Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси таркибидан чиқарган ҳолда уларнинг устав фондларидаги акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини топшириш ҳисобига шакллантирилади.

2. Қуйидагилар "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

жаҳон ва минтақавий пахта бозорлари конъюнктурасини ўрганиш бўйича тизимли маркетинг тадқиқотлари олиб бориш ва шу асосда, мазкур бозорларда таркиб топаётган тенденциялардан келиб чиқиб, пахта хом ашёси етиштиришнинг ҳажмлари, ассортименти ва навлари бўйича ғўзанинг районлаштирилган навларини ҳудудий жойлаштириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

республикада ишлаб чиқарилаётган пахта хом ашёсини фермер хўжаликларидан қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш, юқори сифатли, ташқи бозорларда рақобатдош пахта толасини ишлаб чиқариш, халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ уни сақлаш билан боғлиқ ишларнинг бутун комплексини ташкил қилиш ва амалга ошириш соҳасида ягона сиёсат ўтказилишини таъминлаш;

фермер хўжаликларидан қабул қилинадиган пахта хом ашёсининг миқдори, сифати ва навлари, пахта толаси ва чигитнинг чиқишига оид кўрсаткичлари, компания корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамда сотилаётган пахта толаси ва ёғ-мой маҳсулотларининг ўрнатилган стандартлар ва тузилган шартномаларга мувофиқ миқдори ва сифати бўйича маълумотларни қатъий ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек, тармоқ ички назорат-тафтиш ишларини ўтказиш учун минтақалардаги инспекторлар билан Назорат-тафтиш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш;

жаҳон бозорининг конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда, пахта толасини етказиб бериш тўғрисида экспорт шартномалари тузилишини ташкил қилиш ҳамда уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

тузилган шартномалар ва контрактларга мувофиқ харид қилинаётган пахта хом ашёси ҳамда экспортга ва ички истеъмолчиларга жўнатилаётган пахта маҳсулоти учун ўзаро ҳисоб-китобларни таъминлаш;

чигитнинг чуқур қайта ишланишини ташкил қилиш ҳамда сифатли пахта ёғи ва бошқа ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлаш;

ягона техника сиёсатини ўтказиш ҳамда модернизацияни амалга оширишда, замонавий илғор техника ва технологияларни жорий қилишда, инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тармоққа кенг жалб этишда пахта тозалаш корхоналарига, ёғ заводларига, пахта терминалларига кўмак бериш;

пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой саноати кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясининг бошланғич устав капитали тугатилаётган "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг мулки, шунингдек, ташкил этилаётган ихтисослаштирилган бирлашмалар — "Ўзпахтасаноат" АЖ, "Ўзпахтаэкспорт" АЖ, "Ўзпахтаёғ" АЖ акциялари пакетларининг 100 фоизини топшириш ҳисобига шакллантирилади.

4. "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш бўйича барча ташкилий тадбирлар комплексини амалга оширишдаги ишларни мувофиқлаштириш ва кўмак бериш учун иловага мувофиқ таркибда Ҳукумат комиссияси тузилсин.

Ҳукумат комиссияси (Ш. Мирзиёев):

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси ҳамда "Ўзпахтасаноат" АЖ, "Ўзпахтаэкспорт" АЖ, "Ўзпахтаёғ" АЖ бирлашмаларини ташкил этиш юзасидан барча зарур ташкилий тадбирлар комплекси бажарилишини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

бир ҳафта муддатда "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларига ҳамда акциядорлик жамиятини бошқаришнинг тасдиқланган намунавий тузилмасига мувофиқ холдинг компанияси ва унинг таркибига кирувчи бирлашмаларни бошқариш тузилмалари бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тақдим этсин;

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси билан биргаликда бир ой муддатда "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясининг, "Ўзпахтасаноат" АЖ, "Ўзпахтаэкспорт" АЖ, "Ўзпахтаёғ" АЖларининг уставлари ҳамда таъсис ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси билан биргаликда бир ой муддатда холдинг компанияси ва унинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари ижро этувчи аппаратига юқори малакали мутахассислар синчиклаб танлаб олиниши ва тўлдирилишини таъминласин.

5. "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси, "Ўзпахтасаноат" АЖ, "Ўзпахтаэкспорт" АЖ, "Ўзпахтаёғ" АЖ эмиссия қилинадиган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш ва қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун йиғим тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2001 йил 11 июндаги ПФ-2874-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 27 октябрь

---

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Депутатлар жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент аъзолари ўз ишларини «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқишдан бошладилар.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсади иқтисодиётга тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг очиқлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, акциядорларнинг корхоналарнинг стратегик бошқарувидаги ролини кучайтириш эканлиги таъкидланди. Қонун лойиҳалари устида ишлашда тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, акциядорлик жамиятларининг вакиллари, акциядорлар, иқтисодчи олимлар, ҳуқуқшунослар, жамоатчилик фаол иштирок этди. Сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи уларни дастлаб муҳокама қилдилар ҳамда қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш чоғида инобатга олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларини масъул қўмитага тақдим этган ҳолда, ўз нуқтаи назарини ишлаб чиқдилар.

Мажлис қизиқарли мунозара руҳида ўтиб, бу ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар томонлама муҳокама қилиш имконини берди.

— «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда акциядорларнинг, биринчи навбатда, акцияларнинг миноритар эгаларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясининг кучайтирилиши назарда тутилмоқда, — деб таъкидлади **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Элдор Туляков.** — Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда ривожланишининг муайян стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги норма барча акциядорга корхонанинг молиявий сиёсатига таъсир қилиш имконини беради.

**(Давоми 2-бетда).**

---

СЕМИНАР

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 августдаги "Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар бўйича ўтказиладиган матбуот анжуманларининг ягона режаси"га мувофиқ, Давлат солиқ қўмитасида "Тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда солиқ тўловчиларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар" мавзуида видеосеминар ташкил этилди.*

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

## тадбиркорлик ривожига хизмат қилмоқда

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий хўжалик суди, Марказий банк, Бош прокуратура, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳудудий давлат солиқ бошқармаларида ташкил этилган студияларда эса маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбар ходимлари, шунингдек, республика оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда фаолият кўрсатаётган жами 600 нафардан ортиқ хусусий тадбиркорлар қатнашди.

Семинарда қайд этилганидек, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча тўсиқ ҳамда ғовларни бартараф қилиш, айниқса, солиқ юкини пасайтириш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2012 — 2014 йилларда бизнес юритиш шартларини янада яхшилаш, хусусий мулк мавқеини ошириш ва унинг қонуний ҳимоясини кучайтиришга қаратилган 15 дан ортиқ қонун ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

**(Давоми 2-бетда).**

---

# Маҳалла — хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, улар ҳисобидан иқтисодиётда ўсиш суръатларини, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.*

*Хусусан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш ғояси илгари сурилган бўлиб, ўтган даврда бу борада муайян ишлар олиб борилди.*




Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Жумладан, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, тадбиркорликнинг миллий анъана ва урф-одатларимизга тўла мос келадиган янги шакли — оилавий бизнесни ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий асос яратилди. Натижада оилавий бизнес жадал ривожланмоқда, янги иш ўринлари очилиб, ҳаётимиз кундан-кун фаровонлашаётир. Бунда, албатта, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳиссаси салмоқлидир.

Айтиш жоизки, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари ҳузурида **Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказлари** ташкил этилгач, унинг бу борадаги фаолияти янада жадаллашди. Айни чоғда фуқаролар йиғинлари ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги фуқароларга турли ёрдамлар кўрсатилмоқда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқароларга соҳага оид қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этилаяпти, уларга белгиланган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот бериш, тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётир. Пировардида эса маҳаллаларда тадбиркорликнинг, хусусан, оилавий бизнеснинг ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо ва хизмат кўрсатиш каби йўналишлари изчил ривожланмоқда.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда мамлакатимизда 7 минг 100 дан зиёд фуқаролар йиғинлари қошида Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказлари самарали фаолият кўрсатаяпти. Маҳаллаларда йиғинлар фаоллари ва ушбу маслаҳат марказлари аъзолари томонидан ҳамкор ташкилотлар ходимлари иштирокида тадбиркорлик, ҳунармандчилик ҳамда оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, шу йилнинг биринчи ярмида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудларда 41 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва 302 мингдан зиёд иш ўринлари яратишга кўмаклашилди.

**(Давоми 2-бетда).**

---

# САРҲИСОБ ВА ТАҲЛИЛ

*Наманганда 2015 йилнинг тўққиз ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ижросини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.*

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Вилоят ҳокими Б. Юсупов бошқарган йиғилиш сим орқали мулоқот тарзида ташкил этилиб, унда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, бошқарма ва идоралар, йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари қатнашди.

Йилнинг тўққиз ойида вилоятда амалга оширилган ислоҳотлар натижалари таҳлил қилиниб, асосий эътибор Президентимизнинг 2015 йил 16 январь куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлари вазифалари ижросини таъминлашга қаратилди.

Ҳисобот даврида вилоятда иқтисодиёт реал секторининг барча тармоғида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот 9,2, саноат ишлаб чиқариш 17,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,1 фоиз ўсди. Корхоналар томонидан 1,7 триллион сўмдан ортиқ саноат маҳсулотлари, 1,1 триллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини изчил амалга ошириш натижасида ўтган даврда 1228 янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди ҳамда 47 минг 743 янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш маданиятини юксалтиришга қаратилган ишлар доирасида намунавий лойиҳалар асосида 727 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

**(Давоми 2-бетда).**

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ижро этувчи орган ва кузатув кенгашининг жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш юзасидан қабул қилинаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботи мунтазам равишда эшитилиши акциядорлик жамияти фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига имконият яратади.

Мажлис иштирокчилари бугунги кунда кўпгина акциялаштирилган жамиятлар, шу жумладан, чет эл капитали иштирокидаги қўшма акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш жараёнини илғор корпоратив бошқарув услублари асосида ташкил қилишини таъкидладилар. Бу чет эл инвестицияларини акциядорлик жамиятларига жалб қилишни рағбатлантириш, акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг акциядорлик жамияти бошқарувидаги ролини ошириш имконини беради.

— Акциядорлик жамиятларидаги раҳбарлик лавозимларига юқори малакали хорижий менежерларни жалб қилиш тўғрисидаги нормалар «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг салмоқли янгиликларидан бири бўлди, — деб таъкидлади **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Абдуғани Умиров.** — Ижро этувчи орган раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, қоида тариқасида, хорижий менежерлар ҳам қатнашиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмоқда. Хорижий инвесторлар учун преференцияларни кенгайтириш ҳам мўлжалланган. Масалан, акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий ходимлар меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўлов тўлашдан озод этилади. Шунингдек, хорижий мутахассисларнинг бошқарув ходимлари сифатидаги фаолиятидан олинган даромадларнинг солиққа тортилиши бўйича имтиёзлар тақдим қилинмоқда.

— Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик кафолатларини кучайтириш назарда тутилмоқда, — дейди **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Элбек Шукуров.** — «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа маҳаллий давлат органларига, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш, даромадни тақсимлаш, бошқарув ходимларини ёллаш масалалари бўйича ҳамда хўжалик жамиятларининг бошқарув ваколатларига тааллуқли бўлган масалалар юзасидан норматив ҳужжатлар қабул қилишни, акциядорлик жамиятларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар беришни, бундан Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, тақиқлаш тўғрисидаги қўшимча киритилди. Агар акциядорлик жамиятларининг бошқарув органлари аъзолари уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатлари доирасида, зарар кўришга олиб келган тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қарорларни қабул қилса, уларга нисбатан Қонунда белгиланган жавобгарлик чоралари кўрилади. Ушбу янгилик акциядорлик жамиятининг иктисодий мустақиллиги ва эркинлигининг мустаҳкамланишига, улар фаолиятига ғайриқонуний тарзда аралашиш имкониятининг чекланишига хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар акциядорлик жамиятларининг иқтисодий фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий нормаларни самарали амалга ошириш имкониятини беради.

Мажлис давомида депутатлар янги таҳрирдаги «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда ҳар томонлама муҳокама қилдилар. У молиявий секторни янада ривожлантиришга, бозор инфратузилмаси сифатини оширишга қаратилгандир.

— Мамлакатимизда бозор механизмларининг шаклланиши билан биржа фаолиятини самарали ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилди, — деди **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Сиддиқ Номозов.** — «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш биржа фаолиятини тартибга солувчи нормаларни аниқлаштириш, уларнинг бир хиллигини ва қабул қилинган қонун билан бир хиллаштирилишини таъминлаш мақсадида бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини кўрсатди. Тегишли қонуннинг қабул қилиниши биржа фаолиятининг самарадорлигини оширишга, бозор механизмларининг такомиллашишига, соҳада баҳонинг белгиланиши яхшиланишига имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

Муҳокамалар натижалари бўйича депутатлар ушбу қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул қўмитага келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

Мажлисда депутатлар кун тартибидаги бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

## тадбиркорлик ривожига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса тизимдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур ҳужжатда текширишларни тартибга солиш ва тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Мисол учун, Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноят (солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш)ни илк маротаба содир этиб, у аниқлангандан кейин 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа молиявий жарима турларини тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ҳамда у жавобгарликдан озод қилинади.

Шу билан бирга, 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди. Агар якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилиши белгиланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Фармонга мувофиқ, амалиётга яна бир янгилик — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар учун электрон рақамли имзо берилиши жорий этилмоқда. Бу эса Давлат солиқ қўмитасининг электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ягона маркази томонидан амалга оширилади.

Видеосеминарда тадбиркорлик субъектлари ривожи учун яратилган қулай шарт-шароитлар, берилаётган солиқ имтиёзлари ва преференцияларни кенг жамоатчиликка етказиш, кичик бизнес фаолиятида учрайдиган айрим муаммоли масалалар ечимига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Фармонда белгилаб берилган имтиёзларнинг ҳуқуқий асоси таъминланишида жорий йил 21 августда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, унда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида берилган имтиёз ва преференцияларни қўллаш тартибини ўз ваколатлари доирасида тушунтириши, ижросини таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган.

Қонунга мувофиқ, Солиқ кодексига киритилган ўзгартишларда тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган жавобгарлик чораларини либераллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ушбу Кодекснинг 108-моддасига киритилган ўзгартиш билан жиноят қонунчилигида қўлланганлари каби, солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарликлар содир этган тақдирда, молиявий санкциялар ҳар бир ҳуқуқбузарликка нисбатан алоҳида-алоҳида қўлланилиши ўрнига, унча оғир бўлмаган молиявий санкциянинг оғирроқ жарима билан қамраб олинишини назарда тутувчи меъёрлар билан тўлдирилди.

Айтайлик, бир ҳуқуқбузарлик учун энг кам иш ҳақининг 100 баравари, иккинчиси учун энг кам иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда жарималар белгиланган бўлса, аввалги тартиб-қоидаларга кўра, ушбу иккита ҳуқуқбузарликнинг ҳар бири учун белгиланган молиявий жарималар қўлланилар эди. Ўзгартишга асосан, бундай ҳолларда ҳар иккала ҳуқуқбузарлик учун назарда тутилган молиявий жарималарнинг фақат оғирроқ миқдори, яъни энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима белгиланадиган бўлди.

Тадбирда интерактив давлат хизматларидан фойдаланишнинг бугунги аҳволи, тақдим этилаётган хизматларни такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Электрон ҳукумат” тизимини яратишга йўналтирилган давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўрсатилаётган интерактив хизматлар сифати ва турини ошириш, солиқ тизимини модернизация қилиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти — www.soliq.uz солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш жараёнида аҳолининг янада фаол қатнашиши учун қулай шароитни юзага келтираяпти.

Ҳозирги кунда ушбу сайт орқали тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга 18 турдаги интерактив ҳамда 20 турдаги электрон хизматлар кўрсатилмоқда. Айниқса, барча турдаги тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ва молиявий ҳисоботларни 100 фоиз электрон шаклда тақдим этиш амалиёти жорий этилиши қўшимча қулайликларни вужудга келтирди. Энг асосийси, тадбиркорларнинг вақти тежалаяпти. Илгари ҳисоботни шакллантириш ва топширишга камида 2-3 соат вақт сарфлаб, навбат кутишга тўғри келган бўлса, ҳозирги пайтда бу жараён тўлиқ автоматлаштирилиб, солиқ ҳисоботларини масофадан туриб тўғридан-тўғри юборишлари мумкин. Бунинг эвазига солиқ тўловчиларнинг йилига ўртача 9 млрд. сўм миқдорида маблағи иқтисод қилинмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахслар томонидан мол-мулк ва ер солиқларини “M-bank” ҳамда “Click” хизматлари ёрдамида ўз уйидан туриб тўлаш имконияти яратилган. Ундан жорий йилда 8 мингдан ортиқ солиқ тўловчилар фойдаланиб, 367 млн. сўмлик солиқни электрон шаклда амалга оширди. Солиқ тўловчи юридик шахслар интернетдаги “Шахсий кабинет”лари орқали ҳам солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни он-лайн шаклда тўлашлари мумкин.

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси томонидан ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар нуфузли танловларда юксак баҳоланмоқда. Хусусан, яқинда бўлиб ўтган “MIT.uz” — миллий интернет танлови”да қўмитанинг расмий сайти “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасидаги энг яхши сайт” номинациясида биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг биринчи ярмида жами 115 та давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати бўйича баҳоланган рейтинг натижаларига кўра эса, Давлат солиқ қўмитаси 95,04 балл тўплаган ҳолда, биринчи ўринни эгаллади.

Семинарда Давлат солиқ қўмитаси томонидан бундан кейин ҳам ахборот ресурсларидан унумли фойдаланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларига қўшимча қулайликлар яратишга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилиши айтиб ўтилди.

Қўмита биноси фойесида солиқ тўловчиларнинг барча тоифасига мўлжаллаб тайёрланган 50 дан ортиқ кўргазмали плакатлар, слайдлар намойиш этилди, тадбиркорлик субъектларига берилган қулайлик ва имтиёзлар бўйича 2 мингдан ортиқ буклетлар тарқатилди.

Видеосеминарда республика студияси ва ҳудудий студияларда ҳозир бўлган тадбиркорларнинг 100 дан ортиқ мурожаатларига мутасадди идораларнинг масъул раҳбар ходимлари томонидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари билан боғлиқ муаммоли масалаларнинг ҳал этилиши юзасидан аниқ чоралар белгилаб олинди.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# САРҲИСОБ ВА ТАҲЛИЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда 2015 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогноз параметрларининг бажарилиши ва уларни диверсификациялаш, 2016 йилда иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратиш, 2015 йилда ишга тушириладиган энг муҳим объектларнинг фойдаланишга топширилиши, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 2016 — 2019 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини бошлаш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган ишлар натижалари таҳлил қилинди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам таҳлил этилиб, уларни бартараф қилиш юзасидан вазифалар белгиланди. Кичик бизнес субъектларининг 12 фоиздан ортиғи фаолият кўрсатмаётгани, айрим туман ва саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт кўрсаткичлари камайгани танқид қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.

Наманган вилояти фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

**А. САТТОРОВ, ЎзА мухбири.**

*Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси қизғин давом этмоқда.*

*Хусусан, унинг иккинчи кунида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзавтосаноат”, “Ўзавтойўл”, “Ўзмонтажмахсусқурилиш”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзэлтехсаноат” компаниялари, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси каби бир қатор ташкилотларнинг тақдимот маросимлари ўтказилди.*



# Саноатчилар форуми давом этмоқда

Маълумки, иқтисодиётнинг барча тармоғи ривожланиши уларнинг ўзаро ҳамкорлигига бевосита боғлиқ. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ҳамда тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш, республикамизда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳақида кенгроқ маълумот тақдим этиш ва уларни шерикларга етказиб беришдек муҳим вазифалар ижроси таъминланишига хизмат қилаяпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

— Албатта, бундай шарт-шароитларнинг яратилгани биз учун жуда фойдалидир, — дейди “JV MAN Avto — Uzbekistan” қўшма корхонаси вакили Ойбек Аюпов. — Негаки, бу ерда маҳсулотларимизни намойиш этиш баробарида, кенг жамоатчиликни янгиликлар билан таништириш имкониятига ҳам эга бўлаяпмиз. Масалан, биз келгуси йилдан бошлаб корхонамизда “MAN-A22” йўловчи автобусини кенг миқёсда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Қувонарлиси, ярмарка давомида ушбу янги транспорт тури учун кўплаб буюртмалар олдик.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларига катта эътибор берилаётгани туфайли ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барқарор фаолият юритаётир, шунингдек, қад ростлаётган кўркам, муҳташам ва барча қулайликка эга замонавий бинолар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартираяпти. Бундай улкан қурилишлар жараёни, ўз навбатида, қурилиш материаллари саноатининг ривожига ҳам туртки бераётир. Шу маънода, ҳозирги кунда республикамиз ички эҳтиёжи учун зарур бўлган қурилиш материалларининг етмиш фоиздан зиёди маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётгани диққатга сазовордир.

Шу ўринда юртимизда бевосита Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар қурилишининг жадал олиб борилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшаётган бундай уй-жойлар ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан бунёд этилаётгани, айниқса, нур устига нур бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, “Ўзэкспомарказ” мажмуасида бўлиб ўтаётган саноатчилар форуми иқтисодиёт тармоқларидаги янгиликларни оммалаштириш, ўзаро алоқаларни кенгайтиришга йўл очувчи ҳақиқий келишувлар майдонига айланган. Бу эса иқтисодиётимизни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевордир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Маҳалла — хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу кунларда Ҳазорасп туманидаги “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюрган киши ҳудуднинг ободлиги ва орасталигига ҳавас қилади. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ, албатта. Гап шундаки, 3200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур масканда тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб, уларнинг ҳудудни обод қилишга бўлган ташаббуслари кенг қулоч ёзмоқда. Мих ишлаб чиқариш, тикувчилик ҳамда нон маҳсулотлари тайёрлаш цехлари, гўзаллик салони, қатор маиший хизмат кўрсатиш объектлари шулар жумласидандир. Уларга ва соҳага қизиқиш билдираётган фуқароларга маслаҳат маркази яқин кўмакдош. Масалан, яқинда коллеж битирувчиси Н. Тожиеванинг нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича бизнес лойиҳаси амалга оширилишига кўмаклашилди ва корхона учун бино қуришга ер ажратилди. Унга 35 миллион сўм кредит берилишида ҳам мазкур тузилма аъзоларининг ёрдами тегди.

— Маҳалламизда тадбиркорликнинг ривожланишида фуқаролар йиғини ходимлари, жамоатчилик комиссиялари ҳамда маслаҳат маркази аъзоларининг хизмати катта бўлмоқда, — дейди “Ҳазорасп нур” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нуриддин Жуманазаров. — Жумладан, биз ҳам улар кўмагида фаолиятимизни йўлга қўйдик ҳамда маслаҳатлари билан маҳалламизда истиқомат қилувчи фуқароларни ишга қабул қилдик. Корхонамиз иши тобора ривожланиб бораётгани боис даромадимиз ошиб бормоқда. Бундан ўзимиз ҳам, маҳалладошларимиз ҳам манфаат кўраяпти. Айтмоқчиманки, қайси жойда тадбиркорлик ривож топса, шу ер обод бўлади. Унинг аҳолиси фаровон ҳамда бахтиёр ҳаёт кечиради.

Пойтахтимизда мавжуд 475 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг барчасида ана шундай маслаҳат марказлари ташкил этилган бўлиб, улар жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Буни Яшнобод туманидаги “Мустақилликнинг 10 йиллиги” маҳалласидаги маслаҳат маркази фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ушбу тузилма аъзолари саъй-ҳаракати билан ҳудудда тадбиркорлик йилдан-йилга ривожланаётир.

— Маслаҳат маркази ташкил этилгач, бу ердан тадбиркорлар ва шу фаолият тури билан шуғулланиш истагидаги маҳалладошларимиз қадами аримай қолди, — дейди мазкур тузилма раҳбари Шоҳиста Алимова. — Муҳими, уларга марказ аъзолари томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар билан биргаликда, зарур кўмак ҳам кўрсатилаяпти. Пировардида эса бугунги кунга келиб, тадбиркорларимиз сони тобора ошиб бормоқда. Бизни қувонтиргани шуки, тадбиркорларимиз ҳудудни ободонлаштиришда яқин кўмакчимизга айланди.

Жиззах туманидаги “Ховослик” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш марказига айлантириш орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар изчиллик билан бажарилаётир. Бу борада маҳаллада ташкил этилган маслаҳат маркази фаолияти диққатга сазовордир. Ушбу марказ таркибига ҳудудда истиқомат қилаётган тажрибали кишилар, фермерлар ва ҳунармандлар, шунингдек, жамоатчилик асосида Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, давлат солиқ инспекцияси, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, Савдо-саноат палатасининг ахборот-маслаҳат маркази ва банк ходимлари жалб қилинган. Улар берган маслаҳат асосида фуқароларнинг тадбиркорлик соҳасига кираётгани ва бундан нафақат тадбиркорлар, балки маҳалла-кўй барака топаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Бугун ушбу маҳаллада бир нечта савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, гўзаллик салони ва сартарошхона, уй-рўзғор буюмлари тузатиш устахонаси ишлаб турибди. Биргина ўтган йили маслаҳат маркази кўмагида фуқаро С. Норматов оилавий тадбиркорлик асосида безакли қурилиш-пардозлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва 8 нафар кишини доимий иш билан таъминлади. Тадбиркор И. Эрназаров эса айнан марказ ходимларининг маслаҳати билан анчадан буён бўш турган консерва ишлаб чиқариш корхонасига қарашли бинони таъмирлаб, қандолат маҳсулотлари тайёрлашни ўзлаштирди. Натижада коллеж битирувчиларидан 15 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бизга айнан тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган 35 нафар фуқаро мурожаат қилди, — дейди марказ раҳбари Наргиза Пардаева. — Бугун улардан 20 таси тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб олгани бизни кўпроқ қувонтиради. Шу жумладан, Т. Ҳамидов ўз хонадонида мебель цехини очган бўлса, Б. Комилов савдо дўкони қурилишини ниҳоясига етказмоқда. Шу ўринда 2014 йилда ҳудудимизда тадбиркорлик ва оилавий бизнес билан шуғулланувчилар сони 36 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 62 тага етганлигини айтиш жоиз.

Қарши шаҳридаги “Кат” маҳалла фуқаролар йиғинида 5088 нафар аҳоли тинч-тотув ҳаёт кечиради. Улар орасида тадбиркорлар талайгина. Шу соҳа билан шуғулланиш истагидаги фуқаролар ҳам кўпаймоқда. Бунда йиғинда жамоатчилик асосида ишлаётган маслаҳат марказининг аҳамияти салмоқли бўлаяпти. Марказ томонидан жорий йилнинг 9 ойида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида турли тарғибот тадбирлари, хусусан, давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар ва йиғилишлар ўтказилиб, уларга 2600 нафар аҳоли, шу жумладан, 1700 нафар ёшлар қамраб олингани ҳам ана шундан далолатдир.

Хусусан, марказ кўмаги билан ҳудудда яшовчи 18 нафар фуқаро истеъмол кредити олди, 22 нафар киши эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Натижада 36 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 27 нафар коллеж битирувчисига 200 млн. сўмга яқин кредит олишда кўмаклашилиб, уларнинг мустақил равишда оилавий бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун имконият яратилди. Қолаверса, 15 нафар уй бекаси касаначилик, тикувчилик ва пазандалик билан шуғуллана бошлади.

— Бу марказнинг ташкил этилиши аҳоли, шу жумладан, тадбиркорлар учун айни муддао бўлди, — дейди Нодира Сафарова. — Маҳалла фаоллари, хусусан, маслаҳат маркази ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси аъзолари тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш борасида аниқ мақсадли ишларни амалга оширмоқда. Мен ҳам оилавий бизнесни ривожлантиришни анчадан буён режалаштириб юрган эдим. Марказ аъзоларининг маслаҳатлари ва кўмагидан фойдаланиб, 30 млн. сўм кредит олдим ва “Миллий ширинликлар” савдо шохобчасини ташкил этдим. Ҳозир бу ерда маҳалламиздан 12 нафар ўғил-қиз меҳнат қилаяпти.

— Ҳудудимиздаги 592 та хонадонда 2729 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Данғара туманидаги “Увайсий” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Охунжон Умаров. — Маҳалламиз йилдан-йилга чирой очиб, обод ва кўркам масканлардан бирига айланаётир. Бунда тадбиркорлар ҳиссаси салмоқли. Улар томонидан янги ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилмоқда. А. Мирзаев маҳалламиз ҳудудидаги бўш турган бинони ижарага олиб, тикувчилик цехи очди. Айни чоғда бу хусусий корхонада маҳалланинг 28 нафар хотин-қизлари фаолият юритмоқда. Ё. Аҳмедов терини қайта ишлаш корхонасини ташкил этиб, 75 кишининг бандлигини таъминлади. Ҳозир ҳудудимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сони 30 тага етди. Эътиборлиси, 34 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчилари ҳудудимиздаги корхоналарга ишга жойлашди. Йиғинимизда ташкил этилган маслаҳат марказининг фаолиятини самарали ташкил этиш борасида маҳалла фаоллари билан биргаликда тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

**Бугун фуқаролар йиғинлари, хусусан, улар қошида ташкил этилган Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш борасидаги иштироки тобора салмоқли бўлиб бормоқда. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг ҳаётдан рози ҳолда умр кечириши учун зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратишдан иборатдир.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

XALQ BANKI

# Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг

## «Омад кулганда» тиражли пул-буюм ютуқли лотереяси (2-чиқарилиши) бўйича 2015 йил 24-25 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

**Мазкур ютуқлар тиражида лотереянинг битта разряди бўйича умумий суммаси 2 497 440 040 сўмлик 235 800 та пул-буюм ютуқлари ўйналди.**
**Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Серия ва билет рақами худди шундай бўлган лотерея билетининг иккинчи разрядига ҳам худди шундай ютуқлар чиққан ҳисобланади.**
**Серияси ва билет рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига пул ва буюм ютуқлари чиқди:**

| Т/р | Серия рақами | Билет рақами | Ютуқ номи |
|---|---|---|---|
| 1 | 000001 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 2 | 000029 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 3 | 000046 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 4 | 000065 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 5 | 000088 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 6 | 000100 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 7 | 000129 | 069*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 8 | 000130 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 9 | 000150 | 046*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 10 | 000162 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 11 | 000173 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 12 | 000175 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 13 | 000176 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 14 | 000178 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 15 | 000180 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 16 | 000181 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 17 | 000182 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 18 | 000183 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 19 | 000188 | 001-200 | 50 000 сўм пул ютуғи |
| 20 | 000197 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 21 | 000218 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 22 | 000222 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 23 | 000249 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 24 | 000260 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 25 | 000261 | 065*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 26 | 000301 | 176*) | «Damas DLX C46» автомобили |
| 27 | 000306 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 28 | 000319 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 29 | 000322 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 30 | 000328 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 31 | 000336 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 32 | 000339 | 047*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 33 | 000349 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 34 | 000358 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 35 | 000365 | 046*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 36 | 000375 | 001-200 | 50 000 сўм пул ютуғи |
| 37 | 000381 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 38 | 000404 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 39 | 000406 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 40 | 000413 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 41 | 000425 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 42 | 000427 | 001-200 | 50 000 сўм пул ютуғи |
| 43 | 000436 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 44 | 000444 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 45 | 000462 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 46 | 000464 | 192*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 47 | 000479 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 48 | 000482 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 49 | 000486 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 50 | 000514 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 51 | 000525 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 52 | 000526 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 53 | 000547 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 54 | 000563 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 55 | 000591 | 001-200 | 50 000 сўм пул ютуғи |
| 56 | 000593 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 57 | 000595 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 58 | 000602 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 59 | 000612 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 60 | 000619 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 61 | 000623 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 62 | 000655 | 079*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 63 | 000680 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 64 | 000705 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 65 | 000706 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 66 | 000742 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 67 | 000754 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 68 | 000764 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 69 | 000766 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 70 | 000768 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 71 | 000773 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 72 | 000778 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 73 | 000789 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 74 | 000791 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 75 | 000799 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 76 | 000821 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 77 | 000826 | 046*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 78 | 000845 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 79 | 000861 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 80 | 000877 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 81 | 000878 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 82 | 000884 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 83 | 000893 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 84 | 000895 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 85 | 000898 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 86 | 000911 | 078*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 87 | 000923 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 88 | 000924 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 89 | 000929 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 90 | 000942 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 91 | 000947 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 92 | 000952 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 93 | 000968 | 113*) | 3 000 000 сўм пул ютуғи |
| 94 | 000972 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 95 | 000999 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 96 | 001009 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 97 | 001014 | 127*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 98 | 001017 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 99 | 001025 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 100 | 001064 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 101 | 001065 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 102 | 001077 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 103 | 001079 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 104 | 001083 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 105 | 001090 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 106 | 001092 | 158*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 107 | 001100 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 108 | 001116 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 109 | 001121 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 110 | 001135 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 111 | 001146 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 112 | 001147 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 113 | 001153 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 114 | 001160 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 115 | 001163 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 116 | 001173 | 064*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 117 | 001195 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 118 | 001204 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 119 | 001211 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 120 | 001229 | 155*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 121 | 001248 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 122 | 001256 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 123 | 001264 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 124 | 001292 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 125 | 001297 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 126 | 001300 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 127 | 001331 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 128 | 001338 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 129 | 001363 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 130 | 001374 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 131 | 001378 | 156*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 132 | 001390 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 133 | 001401 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 134 | 001406 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 135 | 001450 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 136 | 001455 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 137 | 001480 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 138 | 001481 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 139 | 001494 | 095*) | 5 000 000 сўм пул ютуғи |
| 140 | 001510 | 110*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 1068 | 011362 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1069 | 011385 | 069*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1070 | 011398 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1071 | 011399 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1072 | 011415 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1073 | 011445 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1074 | 011463 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1075 | 011475 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1076 | 011477 | 195*) | 3 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1077 | 011478 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1078 | 011488 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1079 | 011523 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1080 | 011524 | 099*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 1081 | 011530 | 182*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1082 | 011533 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1083 | 011537 | 144*) | «Cobalt LT M/T» автомобили |
| 1084 | 011540 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1085 | 011544 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1086 | 011546 | 047*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 1087 | 011561 | 162*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1088 | 011569 | 001-200 | 50 000 сўм пул ютуғи |
| 1089 | 011628 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 1090 | 011661 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 1091 | 011696 | 060*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1092 | 011704 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1093 | 011710 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1094 | 011724 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 1095 | 011728 | 039*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 1096 | 011732 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1097 | 011740 | 076*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1098 | 011742 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1099 | 011746 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1100 | 011751 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1101 | 011752 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1102 | 011756 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1103 | 011775 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1104 | 011792 | 076*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 1105 | 011797 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1106 | 011802 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1107 | 011817 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1108 | 011831 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1109 | 011844 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1110 | 011847 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1111 | 011851 | 100*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 1112 | 011854 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1113 | 011861 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1114 | 011864 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 1115 | 011867 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1116 | 011870 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1117 | 011871 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1118 | 011877 | 134*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 1119 | 011891 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1120 | 011896 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1121 | 011900 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1122 | 011901 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1123 | 011915 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1124 | 011920 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1125 | 011921 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1126 | 011927 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1127 | 011932 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1128 | 011935 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1129 | 011938 | 150*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 1130 | 011943 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1131 | 011945 | 025*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1132 | 011960 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1133 | 011964 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1134 | 011987 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1135 | 011989 | 122*) | 3 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1136 | 012027 | 091*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1137 | 012033 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1138 | 012043 | 196*) | 3 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1139 | 012058 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1140 | 012122 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1141 | 012163 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1142 | 012170 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1143 | 012177 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1144 | 012186 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1145 | 012189 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1146 | 012193 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 1147 | 012196 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1148 | 012197 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1149 | 012264 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1150 | 012271 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1151 | 012299 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1152 | 012310 | 182*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1153 | 012343 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1154 | 012346 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1155 | 012348 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1156 | 012359 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1157 | 012364 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1158 | 012366 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1159 | 012374 | 117*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1160 | 012388 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 1161 | 012392 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1162 | 012394 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1163 | 012397 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1164 | 012405 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1165 | 012410 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1166 | 012415 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 1167 | 012422 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 1168 | 012426 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1169 | 012429 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1170 | 012433 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1171 | 012445 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1172 | 012448 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 1173 | 012456 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1174 | 012466 | 001-200 | 2 000 сўм пул ютуғи |
| 1175 | 012469 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1176 | 012474 | 151*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1177 | 012490 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 1178 | 012492 | 197*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 1179 | 012493 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |

**Изоҳ:** *) Шу сериянинг қолган 199 та рақамига 2000 сўмдан ютуқ чиқди. 500000 (беш юз минг) сўмгача бўлган пул ютуқлари банкнинг барча филиаллари томонидан ютуқлар тиражи расмий жадвалига асосан, тўловга қабул қилинади ва ўрнатилган тартибда ютуқ эгаларига тўлаб берилади. 500000 (беш юз минг) сўм ва ундан катта миқдордаги пул ютуқлари ҳамда барча буюм ютуқлари лотерея билетлари экспертизадан ўтказилганидан сўнг тўланади. Ютуқли билетлар ютуқлар тиражи эълон қилинган кундан бошлаб 4 (тўрт) ой муддат давомида тўловга қабул қилинади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Ҳайъат раиси: **Н. Суярова**
Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси

Ҳайъат котиби: **Т. Исламов**
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Лотереяларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи

1612-2R/768

***Хизматлар лицензияланган.***

3-4-саҳифалардаги Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг «Омад кулганда» тиражли пул-буюм ютуқли лотереяси расмий жадвали бепул илова қилинмоқда.

# Инновациялар — изчил тараққиёт омили

*Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида “Инновация — 2015” анъанавий халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.*

*Тармоқлараро стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш маркази, Тошкент давлат техника университети ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар томонидан уюштирилган ушбу тадбирда таълим, илм-фан соҳаси, саноат тармоқлари вакиллари, тадбиркорлар, шунингдек, хорижий давлатлардан олимлар қатнашди.*

ТАДБИР



Анжуманда инновациялар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни ҳимоя қилиш ва такомиллаштириш, янги саноат ҳамда молиявий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш соҳаси фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг экспортбоплигини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутиши ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон илм-фани бугунги кунда ўзгариб бораётган бозор талабларига жавоб берадиган, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион иқтисодиётнинг технологик базасини яратиш борасида улкан имкониятларни намоён этмоқда. Моҳиятига кўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар, жумладан, инновация лойиҳалари амалга оширилишини таъминлайдиган академик ҳамда олий ўқув юрти илм-фанининг ривожланган сектори фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимизнинг соҳага бўлган эътибори натижасида янги тадқиқот йўналишлари очиш ва мавжудларини ривожлантириш учун қулай шароит яратилмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 7 августда қабул қилинган “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2008 йил 15 июлда имзоланган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорлари инновацион фаолиятни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Анжуманда саноатчилар, олимлар, тадбиркорлар саъй-ҳаракатларини долзарб вазифа — мамлакатимизни инновацион ривожлантириш жараёнларини жадаллаштириш йўлида бирлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Тадбирда иқтисодиёт тармоқларидаги инновацион жараёнлар, технологиялар, табиий, минерал хом ашё ва ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этиш услублари ҳамда бошқа бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, тоғ-кон иши, металлургия, ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимлари, уларнинг амалий жиҳатлари, ахборот хавфсизлиги муаммолари каби муҳим илмий-амалий ҳамда таълим йўналишлари бўйича ҳам тегишли маълумотлар берилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

*Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон омили, унинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилганлиги ўзининг юксак самараларини бермоқда. Айниқса, бу жараёнда банк-молия тизимининг такомиллаштирилиши нафақат банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаяпти, балки одамларнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариб, даромадларини кўпайтиришда, уларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.*

# «Микрокредитбанк»: ИШОНЧЛИ ВА ЯҚИН ҲАМКОР

Коллеж битирувчиларига ажратилган кредитлар
*(млрд.сўм. 1 октябрь ҳолатига кўра).*




Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақида гап кетганда, аввало, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги ҳамда 2008 йил 10 ноябрдаги фармонлари асосида фаолият юритаётган “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг ҳиссасини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Нега деганда, унинг 85 та филиали, 142 та минибанки ва кўплаб агентликлари юзлаб хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда жисмоний шахсларга кенг кўламли банк хизматларини таклиф қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорларга 680,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, 279,4 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Таъкидлаш керакки, Бухоро вилоятидаги “Жаннат Плюс Люкс” хусусий корхонаси, бир неча йилдирки, “Микрокредитбанк”нинг “Ромитан” филиали мижози ҳисобланади. Унинг раҳбари Барот Қўчқоров 2013 йилда филиал томонидан ажратилган 28 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига корхона фаолиятини янада кенгайтиришга эришди. Айни пайтда жамоа аҳли буюртмачиларга йилига 1200 дона сифатли чарм кийим-кечаклар ҳамда пойабзал етказиб бераяпти.

Ромитан тумани марказида ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг ўз савдо дўкони бўлиб, харидорлар ундан истаган маҳсулотини танлаб, сотиб олишлари мумкин.

Шу билан бирга, тадбиркор ҳозирги кунда банкдан яна 177 млн. сўм миқдорида сармоя олиш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмоқда. Бу маблағ ҳисобидан эса ишлаб чиқариш қуввати сезиларли даражада ошиши баробарида, қўшимча 15 кишининг бандлиги таъминланади.

Яна бир эътиборли жиҳати, “Микрокредитбанк” жамоаси ёшларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркор аёлларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш масалаларига ҳам жиддий аҳамият бераётир. Ўтган вақт мобайнида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 38,0 млрд. сўмлик, тадбиркор аёллар учун 72,1 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилгани ана шундан далолат беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган қўшма чора-тадбирлар дастури асосида ўтказилаётган “Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами” мавзуидаги тадбирлар, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати иштирокида ташкил этилаётган турли танловлар ҳам тадбиркорлик равнақига хизмат қилаётир.

Аёл тадбиркорларга ажратилган кредитлар
*(млрд.сўм. 1 октябрь ҳолатига кўра).*




Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 29 мартдаги “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси банк ва мижоз муносабатларини янада мустаҳкамлаган ҳолда, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча имкониятларни вужудга келтирмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойида ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва таъмирлаш, уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун 27,9 млрд. сўм миқдорида имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари берилгани, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун барча молиялаштириш манбаси ҳисобидан 80,9 млрд. сўм сармоя ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Банк томонидан, шунингдек, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида кичик бизнес субъектларига мутаносиб равишда 82,5 млрд. сўм ва 106,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар тақдим этилгани, 2015 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2524 та лойиҳани рўёбга чиқариш учун 156,3 млрд. сўмлик сармоя йўналтирилгани диққатга сазовордир.

Мухтасар айтганда, “Микрокредитбанк” салмоқли натижаларга эришиб, мижозлар ишончини оқламоқда. Ўзининг хизмат ҳамда маблағлари билан эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкори ҳамда таянчига айланиб, жойларда юзлаб ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, минглаб иш ўринлари яратишга муносиб улуш қўшмоқда.

**Банк ахборот хизмати.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

ТАНЛОВ

## Ораста қизлар баҳси

*Қарши шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “Маҳалланинг энг ораста қизлари” кўрик-танловининг ҳудудий босқичи якунланди.*

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда “Камолот” ЁИҲ ҳамкорлигида қизларни миллий қадриятларга ҳурмат, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли ёт ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда мактаблар, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-қизларидан ташкил топган жамоалар ўзаро баҳслашди.

Иштирокчилар ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, оиладаги соғлом маънавий муҳитнинг бола онгига таъсири, таълим олиш, дарсларни яхши ўзлаштириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, миллий қадриятлар ҳамда анъаналар моҳияти, 12 йиллик мажбурий таълимнинг аҳамияти каби мавзулар бўйича ўз билим ва иқтидорларини намойиш этдилар. Шунингдек, тадбирда эрта ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оқибатлари, миллий қадриятлар, бола тарбиясида маҳалланинг ўрни, хонадонлар саришталигини сақлаш, ёшларнинг кийиниш ва тиббий маданиятини ошириш каби мавзулар очиб берилди.

Якунда ғолиб жамоалар аниқланиб, ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Улар орасидан шакллантирилган вилоят жамоаси ижодий беллашувнинг республика босқичида қатнашади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Замонавий транспорт хизмати

*Миллий матбуот марказида Тошкент метрополитенини модернизация қилиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.*

АНЖУМАН

Унда таъкидлангинидек, соҳада йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва улар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Ташишнинг барча жараёни автоматлаштирилди. Олти станциядан иборат Юнусобод йўналиши қурилиб, фойдаланишга топширилди. Вагонлар парки капитал реконструкция қилинди, эскалаторлар таъмирланиб, рельслар, электропоездлар аккумуляторлари янгиланди. “Чилонзор” йўналишига янги таркиб қўйилди. Йил охирига қадар яна бир замонавий поезд ҳаракатланишни бошлайди.

Линиялар 29 та бекат, ер ости йўллари ва бошқаларни ўз ичига олади. Умумий узунлиги 39 километрлик мазкур масофада таркиблар ҳаракатланишининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонаси базасида “Чилонзор” ва “Ўзбекистон” электродеполари ишлаб турибди. Яқинда маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида янги депо очилди. У ерда таъмирлаш ишларини амалга ошириш билан бир қаторда, эҳтиёт қисмлари ва комплектларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча бекат ва вагонларда кузатув камералари мавжуд, одамлар йиғиладиган жойлар, шунингдек, таркибнинг барча йўналишида мутахассисларнинг доимий назорати ўрнатилган. Айни пайтда ёритувчи қурилмалар энергия тежамкор муқобиллари ва оптик-толали қурилмалар билан алмаштирилган. Бу эса соҳага илғор технологияларни татбиқ этиш кўламини кенгайтириш имконини бермоқда. Келажакда “Электрон тўлов” хизматларини жорий қилиш, энг тиғиз йўналишлар, жумладан, “Чилонзор” линиясида симсиз интернет тизими — Wi-Fi ҳудудини ташкил этиш кўзда тутилаётир.

Амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар пойтахтимиз аҳолиси, меҳмонлари учун замон талабларига мос транспорт хизмати кўрсатиш имкониятини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаяпти.

**С. МАХСУМОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 27 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1943,78 | 1 Украина гривнаси | 118,62 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4106,87 | 1 Малайзия ринггити | 629,61 |
| 1 Дания кронаси | 396,23 | 1 Польша злотийси | 695,70 |
| 1 БАА дирҳами | 729,20 | 1 СДР | 3749,92 |
| 1 АҚШ доллари | 2677,75 | 1 Туркия лираси | 923,46 |
| 1 Миср фунти | 333,47 | 1 Швейцария франки | 2744,44 |
| 1 Исландия кронаси | 20,83 | 1 евро | 3030,23 |
| 1 Канада доллари | 2036,00 | 10 Жанубий Корея вони | 23,67 |
| 1 Хитой юани | 421,57 | 10 Япония иенаси | 221,14 |
| 1 Россия рубли | 43,24 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 17 ОКТЯБРДАН 23 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 9 сентябрдаги 5-2015-сонли «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2720 (2015 йил 26 октябрдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 9 октябрдаги 01-02/19-43-сонли «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 834-27 (2015 йил 26 октябрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 9 октябрдаги 01-02/19-44-сонли «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 832-9 (2015 йил 26 октябрдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 10 октябрдаги 29/2-сонли «Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1528-1 (2015 йил 26 октябрдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 10 октябрдаги 29/3-сонли «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1435-1 (2015 йил 26 октябрдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 8 октябрдаги 48$^{В}$-6-сонли «Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибининг 2.2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 525-6 (2015 йил 26 октябрдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 8 октябрдаги 27/4-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1829-2 (2015 йил 26 октябрдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2015 йил 14 сентябрдаги 32-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2721 (2015 йил 26 октябрдан кучга кирди).**

***II. Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2010 йил 3 августдаги 33/1, 150/1-кк-сонли «Давлат мактабгача таълим муассасаларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва қонун ҳужжатларига зид ҳужжат сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.**

ЭЪЛОНЛАР

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Деҳқонобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Деҳқонобод тумани судининг 2015 йил 27 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Деҳқонобод тумани, «Чучуккудуқ» МФЙ, Чучуккудуқ қишлоғида жойлашган, умумий майдони 2176,38 кв.м., қурилиш майдони 667,78 кв.м. бўлган тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 277 128 000 сўм.***

**2.** Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор туманида жойлашган, умумий майдони 20200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 881 423 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 13 ноябрь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 11 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.**
**Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

1605А/02

Хизматлар лицензияланган.

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Фарғона вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Олтиариқ тумани, Файзобод кўчасида жойлашган, Эркабоев Раҳматжон Ҳакимовичга тегишли 15-уй бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 84 320 677 сўм.***

**2.** Фарғона шаҳри, Тантаналар кўчасида жойлашган, Эркабоев Раҳматжон Ҳакимовичга тегишли 3-уй бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 109 573 310 сўм.***

**II.** Қува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 5 майдаги 15-14-08/2809-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Қува тумани, «Тошҳовуз» МФЙ, С. Қорабоев кўчасида жойлашган, «Қува дон маҳсулотлари» АЖга тегишли ем-хашак омбори бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 98 876 024 сўм.***

**2.** Қува тумани, М. Ҳасанов номли МФЙ, М. Ҳасанов кўчасида жойлашган, «Қува дон маҳсулотлари» АЖга тегишли чойхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 73 759 659 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 12 ноябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 10 ноябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг АТ Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй.**
**Телефонлар: (0-373) 244-46-39, 244-46-22.**
**Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

1608R/02

Хизматлар лицензияланган.

# ЁШ ОИЛАЛАРНИНГ БАХТ ОШЁНИ

*Шу кунларда Алиёр ва Музайян Ориповлар хонадонидан меҳмон аримайди. Қариндош-уруғ, дўсту биродарларнинг нияти — янги тураржойга кўчиб ўтган икки ёшнинг бахту қувончига шерик бўлиш. Обод уйнинг файзли дастурхони атрофида дуога қўл очган кексалар юртимиздаги тинчлик ва фаровонликка кўз тегмасин, ёшларга ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимиз омон бўлсинлар, дея ният билдиришмоқда...*

**ҒАМХЎРЛИК**

Бугун мамлакатимизда чинакам бахт оғушида яшаётган бундай оилалар жуда кўп. Негаки, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг аҳамияти беқиёс. Шунга мувофиқ, юртимиз ҳудудларида "Камолот" уйлари барпо қилиниб, навқирон авлод вакилларига топширилаётгани юксак эътиборнинг амалий ифодасидир.

— "Камолот" уйларини фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган, қолаверса, ариза берилган пайтда ўттиз ёшдан ошмаган эр-хотинлар ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқига эга, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши масъул ходими Асрор Эргашев. — Эътиборли жиҳати, ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, замонавий қурилиш материаллари асосида бунёд этилаётган мазкур тураржойлар йигирма йил муддатга имтиёзли ипотека кредити эвазига бериладиди. Унинг дастлабки беш йили имтиёзли давр ҳисобланиб, бошланғич бадал тўлови талаб қилинмайди. Турган гапки, бу уй-жойга эҳтиёжманд ёш оилалар учун жуда катта имкониятдир.



Кейинги икки йил мобайнида Тошкент вилоятининг Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари ҳамда Оҳангарон, Бўстонлиқ туманларида кўркам ва замонавий кўринишга эга, **135** хонадондан иборат кўп қаватли тураржойлар барпо этилди. Айни пайтгача 100 га яқин ёш оилалар янги иморатлар соҳибларига айланишди.

"Йигитнинг моли ерда", деган гап бор. Эл-юртини севган, унинг равнақи йўлида меҳнат қилишдан қочмаган киши, албатта, муродига етади, рўзғорини бутлайди. Аслида, омад ҳам, бахт ҳам ана шундайларнинг ортидан эргашиб юради.

Ўрта чирчиқлик Маъруф Рашидов бу йил йигирма етти ёшни қаршилади. Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият юритиб, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишни умр мазмуни деб билаётган навқирон йигит ҳаётининг қувонч ва сурурга тўла лаҳзалари, не бахтки, бири-бирини тўлдириб бораяпти. Оила қуриш, тўнғич ўғил Афрўзбекнинг туғилиши, ишдаги муваффақиятлар... Ўтган йили эса ёш оила ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Маъруфжон мамлакатимизнинг салоҳиятли ёшлари қатори Президентимиз Фармонига кўра, "Шуҳрат" медали билан мукофотланди. Бундай юксак эътибор унинг оиласи, яқинларига чексиз шодлик улашиш баробарида, яна бир катта орзу рўёби сари кенг йўл очиб берди. Кўп фурсат ўтмай улар Олмалиқ шаҳрида қурилган янги "Камолот" уйларидан бирининг хонадони соҳибига айланишди.

— Кайфиятимиз байрамона, — дейди хонадон бекаси Нигорахон Рашидова. — Уй тўйининг тадориги билан юрибмиз. Юртбошимизнинг беқиёс меҳри ва ғамхўрлиги туфайли рўзғоримиз бут, бахтимиз тўкис бўлди. Бунинг учун ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

...Ёш рассом Жасурбек Жумаев чизиб тугатган навбатдаги суратда шундай манзара акс этган: ям-яшил боғда қачонлардир қуриб, қовжираб қолган, бири-бирига суяниб, чирмашиб ўсган икки дарахт тасвирланган. Аммо тириклик суви батамом битиб улгурмаган дарахт шохларида янги, дуркун куртаклар япроқ ёзишга чоғланмоқда. Суратда акс этган манзарани кўриб, ҳар қандай инсоннинг кўнглига умид, ишонч ва эзгуликнинг умри боқий ҳамда жилвакор ёғдулари оқиб киргандек бўлади...

Қаранг, ҳаётнинг синовлари ҳам, туҳфалари ҳам кўп бўларкан. Ўзи ногирон бўлишига қарамай, Жасурбекдаги сабот ва қатъият уни тўла-тўкис ҳаёт сари етаклади. Туғма истеъдоди туфайли болаликдан қўлидан мўйқалам тушмаган бу йигит навқирон ёшида юртга танилди, моҳир мусаввир бўлиб етишди. Айни пайтда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида тасвирий санъат сир-синоатларидан сабоқ бераётган Жасурбекнинг ҳаёти бугун чинакам шодликка лиммо-лим. "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони совриндори бўлган ёш рассомнинг эришаётган ютуқлари инобатга олиниб, унинг оиласига ҳам ўзи туғилиб-ўсган туман марказидаги "Камолот" уйларидан биридаги хонадон топширилди.

Дарвоқе, бугун бўстонлиқлик Жумаевлар оиласи кўчиб кирган хонадон тўрини хув ўша — янгидан ҳаёт бошлаётган бир жуфт дарахт тасвири акс этган сурат безаб турибди. Жасурбек ва Сарвинозхон бу асарга "Бахт ошёни" деб ном беришибди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Истироҳат боғининг янги қиёфаси

*Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги қарори асосида Денов шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бу ерга ўзига хос файзу тароват бағишлади.*

**ОБОДЛИК**

Хусусан, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш юмушлари бажарилиб, боғ ичига мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ёзги амфитеатр барпо этилди. "Нуронийлар чойхонаси" капитал таъмирланди. Ўттизга яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу масканнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан тантанали маросим ўтказилди. Унда сўз олганлар сўлим гўшанинг қайта иш бошлаганидан деновликлар, айниқса, болажонлар чексиз хурсанд эканликларини эътироф этишди.

— Бу ерда туманимиз аҳли ва меҳмонларининг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит яратилган, — дейди маданият ва истироҳат боғи директори Абдусаттор Саидов. — Қарийб 57,5 минг АҚШ доллари ва 682 миллион сўмлик маблағ ҳисобига 20 та замонавий аттракцион ўрнатилди. Келгусида яна 18 та ана шундай қурилма келтирилиши режалаштирилган. Мажмуа иш бошлаши билан 24 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Боғда янграган куй-қўшиқ ва дилтортар наволар кичкинтойларнинг шодон кулгиларига уланиб кетди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Спорт



## Ҳамюртимиз тўрт медаль соҳибаси

Чехиянинг Брно шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ташкил этилган Гран-при туркумидаги халқаро турнирда терма жамоамиз аъзоси Анастасия Сердюкова бир йўла тўртта медалга сазовор бўлди.

Тасма билан машқ бажаришда унга тенг келадигани топилмади. Шунингдек, Анастасия булава йўналишида кумуш, тўп ва ҳалқа билан чиқишларда эса бронза медаль эгасига айланди.

*Навоий шаҳрида бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон кубоги ҳамда 2004 — 2008 йилларда туғилган қизлар ўртасида "Қизилқум зеболари" мусобақаси ўтказилди. Унда республикамизнинг барча ҳудудидан 160 нафар спортчи қатнашди.*

## Иқтидорлар беллашуви

Қизиқарли кечган баҳслар якунида пойтахтлик Сабина Тошкенбоева ва Татьяна Ким ғолибликка эришди. Гуруҳ беллашувларида ҳам тошкентлик қизлар жамоаси кубокни қўлга киритди.

"Қизилқум зеболари" мусобақасида эса ўз ёш тоифасида биринчи ўринни самарқандлик бадиий гимнастикачилар — Тахмина Икромова, Севинч Эргашева, Фазода Сайдуллаева, Нигина Азизова ва Амалия Мамадова эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Анъанавий турнир ниҳоясига етди

*Бухорода стол тенниси бўйича болалар ва қизлар ўртасида республика анъанавий турнири бўлиб ўтди.*

Унда мезбонлардан ташқари, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятларидан 120 нафардан зиёд истеъдод эгалари тўрт ёш гуруҳига бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб борди. Якунда самарқандлик Меҳрож Шамсиддинов, Шоҳруҳ Искандаров, наманганлик Сўғдиёна Мадалиева, сурхондарёлик Жамшид Чориев, Тошкент вилоятидан Диана Аристанова ҳамда бухоролик Сарвиноз Музаффарова, Норжон Ғиёсова, Илҳом Фармонов шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Картинг мажмуаси фойдаланишга топширилди



*Учқўрғон туманида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан барпо этилган картинг спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.*

Бу ерда спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратилган. Шунингдек, томошабинлар учун 300 ўриндиқ жойлаштирилиб, тиббиёт, ювиниш ва кийиниш хоналари барпо қилинди. Ана шу мақсадлар учун 700 миллион сўм йўналтирилди.

— Бу — лойиҳамизнинг биринчи босқичи, — дейди "Ватанпарвар" ташкилоти туман кенгаши раиси Мамасоли Норхонов. — Келгусида ҳайдовчилар тайёрлаш йўналишида замон талабларига жавоб берадиган 10 та синф хонаси, 150 ўринли ошхона, маънавият-маърифат маркази бунёд этишни режалаштирганмиз.

Янги иншоотнинг очилиши муносабати билан шу куни бу ерда картинг бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда республикамизнинг тўққизта вилояти ҳамда пойтахтдан келган 73 нафар моҳир спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақанинг турли йўналишларида Тошкент шаҳридан Антон Камишин, Сепин Акопян, Мария Егорова, пойтахт вилоятидан Владимир Ушека ғолибликка эришди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент шаҳри жамоасига насиб этди. Сирдарёликлар иккинчи, пойтахт вилояти вакиллари эса учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Диққат, танлов!**

**«ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ»**

**ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ**

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ижобий ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари, барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнлари, қабул қилинаётган Давлат дастурларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва қадр-қимматини жамоатчиликка етказиш, бу борада амалга оширилаётган ишлар тарғиботига муносиб ҳисса қўшиш, шунингдек, инсон манфаатларини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритишга муносиб ҳисса қўшаётган ОАВ ходимларини рағбатлантириш мақсадида журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика анъанавий танловини ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган мазкур танловга 2014 йилнинг 1 ноябридан 2015 йилнинг 1 ноябригача газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган, телевидениеда намойиш этилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2015 йилнинг 15 ноябригача қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантириш, халқимиз турмуши фаровонлигини юксалтириш, ҳар томонлама етук ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий, маънавий ва маърифий соҳаларда энг юқори натижаларга эришиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг, аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлиги чуқур таҳлил орқали очиб берилиши лозим. Материалларда, хусусан, қуйидаги масалалар ёритилганлигига эътибор қаратиш зарур:

- давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосида инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари уйғунлиги;
- демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, шу жумладан, муносиб меҳнат, дам олиш, ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш каби қонуний манфаатлари ҳимояси;
- жамоатчилик назорати;
- касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги фаолият йўналишлари;
- маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш;
- ҳомийлик ҳамда хайрия ишлари ва бошқалар.

**Танлов ғолиблари оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича аниқланади:**

- босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (газета ва журналлар — 1, 2, 3-ўринлар);
- электрон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (телевидение, радио, интернет журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Шунингдек, ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича учтадан рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилган.

Танлов ғолиблари ва рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар 5 тадан кам бўлмаслиги керак.

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши лозим.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши зарур.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова этилиши зарур:**

- муаллиф ва унинг иш жойи, журналистик фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллиф паспорти нусхаси;
- муаллиф манзили ва боғланиш телефонлари.

Танлов ғолибларини мукофотлаш тадбири Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида тантанали равишда ўтказилади.

**Материаллар «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига, деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**
**Ўзбекистон Республикаси, 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 4-қават, 3-хона.**
**Телефонлар: (0-371) 256-52-79, 252-21-18. E-mail: pressa@kasaba.uz**

1587А/753


ЭЪЛОНЛАР




**«Қибрай»**

*клиник санаторийси*

**юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.**

**Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.**

**Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.**

**Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

*Манзилимиз:*

**Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.**

**Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.**

02R/955


"Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси бош энергетик Сардор Исламовга падари бузруквори

**САНЖАР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 377 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.**
**Навбатчи — Ю. Бўронов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30** 1 2 3 4 5